

9-10-2019

CRITERIA OF MONITORING AND EVALUATION FOR EDUCATIONAL ACTIVITIES

Mahfuza Akxmedovna Madrakximova

Kokand SPI, the teacher of the Department of information teaching methodology

Maftuna Islomjon qizi Yakubjonova

Kokand SPI, the teacher of the Department of information teaching methodology

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Madrakximova, Mahfuza Akxmedovna and Yakubjonova, Maftuna Islomjon qizi (2019) "CRITERIA OF MONITORING AND EVALUATION FOR EDUCATIONAL ACTIVITIES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 61.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/61>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

CRITERIA OF MONITORING AND EVALUATION FOR EDUCATIONAL ACTIVITIES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мадрахимова Махфуза Ахмедовна, Қўқон ДПИ, Информатика
ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси,
Яқубжонова Мафтуна Исломжон қизи, Қ ўқон ДПИ, Информатика
ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация Мақолада ўқув фаолияти бўйича назорат ва баҳолашнинг турлича талқиндаги мезонлари ёритилган.

Таянч сўзлар: назорат, баҳолаш, ўлчаш, баҳо, балл.

НОРМАТИВЫ КОНТРОЛЯ И ОЦЕНКИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА.

Мадрахимова Махфуза Ахмедовна, Коканд ГПИ, преподаватель
кафедр ы методика преподавания информатики,
Яқубжонова Мафтуна Исломжон қизи , Коканд ГПИ, преподаватель
кафедр ы методика преподавания информатики

Аннотация. В данной статье были описаны различные нормативы контроля и оценки учебного процесса.

Ключевые слова: контроль, оценивание, измерение, оценка, балл.

CRITERIA OF MONITORING AND EVALUATION FOR EDUCATIONAL ACTIVITIES

Madraximova Mahfuza Akxmedovna, Kokand SPI, the teacher of the
Department of information teaching methodology,
Yakubjonova Maftuna Islomjon qizi, Kokand SPI, the teacher of the
Department of information teaching methodology

Abstract. In the given article it was described various explanations of controlling and assessing on educational process

Keywords: controlling, assessing, measure, mark, point

Таълим жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири – назорат ва ҳисобга олишдир. Бу тушунчалар ўзига хос моҳият ва хусусиятларга эга. Ўқитувчи назорат ва ҳисобга олишни тўғри ташкил этса, таълим жараёнининг самарадорлиги ортади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини аниқлаб бориши лозим.

Таълим жараёнида назорат таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёнини англатади.

Текшириш – назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида акс алоқани таъминлаш, педагог томонидан ўқув материални ўзлаштириш ҳақида объектив ахборот олиниши ҳамда билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашдир.

Текширишдан ташқари назорат ўз ичига баҳолаш ва баҳони ҳам олади. Баҳолаш деганда билим, кўникма ва малакаларни ўқув дастурида кўрсатилган эталонлар билан солиштиришни тушунамиз. Баҳо деб эса баҳолашнинг балл шаклида кўрсатилган сон жиҳатдан ўлчамига айтилади.

Назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантиришга, ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон тузилади. Бу эса ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси деб саналади.

Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари бир қатор педагоглар томонидан талқин этилган. Қуйида биз педагогика фанлари доктори Владимир Павлович Беспалько томонидан берилган ўқувчилар, ўқитувчилар ва ўқув фаолиятини баҳолаш ҳақида тўхталиб ўтамиз. Ушбу мезонлар ўқувчиларнинг фан бўйича тайёргарлиги, ўқитувчининг дидактик маҳоратини баҳолаш имкониятини беради. Бу мезонлар ўқувчиларнинг ўқиши ва ҳулқининг адекват мотивлари учун ҳамда ўқитувчи маҳоратини одилана баҳолаш учун зарур.

Мезонларнинг аниқлиги ва самарадорлиги бўйича ўқув фанини ўзлаштирилганлик сифатини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$X = \bar{X} - \sigma$$

Бу ерда

\bar{X} -синфнинг ўртача ўзлаштириш бали бўлиб, у қуйидагича ҳисобланади:

$$\bar{X} = \frac{\sum X_j}{M}$$

X_j -маълум ўқувчининг баҳоси;

M -синф ўқувчиларининг умумий сони;

σ -баҳонинг ўртача квадратик узоқлашиши эса қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (\bar{X} - X_j)^2}{M}}$$

Ўртача квадратик узоқлашиш шундай маънони англатадики, у билан гуруҳда ўзлаштириш бир хиллиги ва индивидуаллаштириш даражаси характерланади.

Беспалько фикрича бу кўрсаткич 12 балли шкаладан фойдаланганда нисбатан яхшироқ ва мазмунлироқ бўлади.

Савол тузилади: юқорида келтирилган 12 баллик баҳолаш шкаласига кўра қайси балли етарли деб олиш мумкин, қайси баллга интилиш керак?

Беспалько фикрича юқорида келтирилган 12 баллик баҳолаш шкаласига кўра 6 балли етарли деб олиш мумкин, энг юқори баллга интилиш керак.


У баҳолашнинг қуйидагича талқинини киритган. Унга кўра

$$K_\alpha = \frac{\text{ўқувчининг тўплаган бали}}{\text{назоратнинг максимал бали}}$$

Бу ерда K_α - ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичи [1.199].

Ушбу кўрсаткич $K_\alpha \geq 0,7$ бўлганда ўқувчи фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

Ўқув фаолиятини баҳолашнинг яна бир талқини Бенжамин Блум томонидан ёритилган. Унинг фикрича ўқув мақсадлари ўз ичига билиш, тушуниш, амалиётга қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш кабиларни олади.[2.232]



Таълим-тарбия жараёнида Блум таксономиясига биноан ўқув мақсадларининг аниқланиши, талабаларнинг ўқув мақсадларига эришиш даражасини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш, назоратнинг ҳаққонийлиги, кенг қамровлилигини таъминлайди.

Блум ва унинг шогирди Р.Н. Гагне томонидан билимларнинг таснифи ишлаб чиқилган. Мазкур таснифга ижодий ёндошилган ҳолда билим турларининг мазмун-моҳияти ва уларни аниқлашда фойдаланиладиган тест топшириқларининг қийинлик даражалари белгиланди:

1. Продуктив
2. Репродуктив
3. Қисман изланувчан
4. Ижодий.

Ўқув жараёнида самарали натижаларга эришиш ва ўқувчилар билимини адолатли, шаффоф баҳолаш жараёнида юқорида келтирилган тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Bepalko. V.P.Slagaemye pedagogicheskoy texnologii. Moskva «Pedagogika» 1989.-s-199.
2. Bloom B.S. a.o. Handbook on Formative and Summative Evaluation of Student Learning. N - Y., McGraw-Hill, 2014. – s-232
3. Tolipova J. Pedagogik kvalimetriya. TDPU bosmaxonasi. 2015 y.107 b.